

ХУДУДНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДА ТРАНСПОРТНИНГ РОЛИ

Атаджанова Зулфия Сапарбаевна – Тошкент давлат транспорт университети, “Транспорт логистикаси” кафедраси

Аннотация

Ушбу мақола ҳудуднинг ривожланиши ва транспорт фаолияти ўртасидаги ўзаро таъсирни ўрганишга бағишланган. Тадқиқотда йўловчи ва юк ташиш ҳажмига таъсир қилувчи омиллар аниқланиб, уларнинг корреляция ва регрессия таҳлили орқали баҳоланди. 2014--2023 йиллар даврида олинган маълумотлар асосида иқтисодий-математик модел ишлаб чиқилди, бу модел минтақада транспорт ривожланишини прогноз қилиш имконини беради. Натижалар транспорт инфратузилмасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Калит сўзлар: транспорт, юк ташиш, йўловчи ташиш, корреляция, регрессия, транспорт салоҳияти.

Кириш

Ҳудудий ривожланиш кўп қиррали ва кўп ўлчамли жараён бўлиб транспорт фаолиятига боғлиқ бўлган иқтисодий тизимларнинг самарадорлигини таъминлайдиган муҳим омилдир. Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида транспорт комплекси асосий таркибий қисм сифатида муҳим рол ўйнайди. Ушбу тадқиқот ҳудуднинг ривожланиши ва транспорт фаолияти ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганишга қаратилган бўлиб, йўловчи ва юк ташиш ҳажмига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсир даражасини баҳолашни мақсад қилиб қўяди. Транспорт фаолиятининг кўрсаткичлари ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ўртасида кучли корреляция мавжуд бўлиб, бу омилларнинг таъсирини математик моделлаштириш орқали прогнозлаш мумкин.

Усуллар

Тадқиқотда корреляция ва регрессия таҳлиliga асосланган стохастик усуллар қўлланилди. Хоразм вилояти бўйича 2014-2023 йиллар давомида олинган статистик маълумотлар асосида йўловчи ва юк ташиш ҳажмига таъсир қилувчи омиллар аниқланди. Тадқиқотда қуйидаги усуллардан фойдаланилди:

Корреляция таҳлили: Омилларнинг таъсир даражасини ва боғланиш йўналишини аниқлаш.


Регрессия таҳлили: Иқтисодий-математик моделни яратиш учун энг кичик квадратлар усули.

Эксперт баҳолаш: Транспорт фаолиятини тавсифловчи кўрсаткичлар

гуруҳи аниқлаш.

Йўловчи ташиш жараёнларини режалаштириш ва бошқариш масалалари тизимли ёндашувни тақозо этади. Чунки йўловчи ташиш тизими фаолияти ва жараёнлари турли элемент ва қисмлар ҳамда уларнинг кўплаб эҳтимолий характердаги ўзаро таъсирлари натижасида шаклланади. Йўловчи транспортининг яна бир муҳим хусусияти унинг параметрлари аниқ белгиланиши қийин бўлган эҳтимолий муҳитда фаолият кўрсатиши ва бу муҳитга мослаша олишидир. Бошқача айтганда, йўловчи транспорти тизими ўзаро функционал алоқадорлик ва иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ элементлар тўпламидан иборатдир.

Хоразм вилоятида йўловчи ташиш фаолиятининг амалдаги ҳолатини тадқиқ қилиш орқали уни такомиллаштириш имкониятлари ҳақида хулоса қилиш мумкин.



1-расм. Вилоятда ташилган йўловчиларнинг умумий ҳажмида туманларнинг улуши

Вилоят бўйича йўловчи ташиш маълумотларидан энг кўп ҳажм Урганч шаҳрига тўғри келади, чунки у вилоятнинг энг йирик шаҳари ҳисобланади. (1-расм). Йўловчи ташиш ҳажмига таъсир қилувчи бир қанча омиллар мавжуд бўлиб, улар:

- иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони;
- янги қурилган турар-жой бинолари сони;
- вилоятдаги жами аҳоли сони;
- вилоятдаги даромади паст аҳоли сони;
- вилоят бўйича жон бошига ўртача даромад;
- аҳоли зичлиги;

- йўловчи ташиш фаолиятидаги транспорт воситалари сони;
- шахсий автомобиллар сони.

Хоразм вилоятида юк ташиш ҳажмини ҳудудлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак жами ташишларнинг катта қисми асосан Урганч шаҳри ва тумани ҳамда Хива тумани ҳиссасига тўғри келганлигини кўриш мумкин.



2-расм. Вилоятда ташилган юкларнинг умумий ҳажмида туманларнинг улуши

Юк ташиш ҳажмига ҳам бир қанча омиллар таъсир қиладиган ва улар қуйидагилар:

- вилоят бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ);
- қурилиш ишлари ҳажми;
- ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар ҳажми;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари;
- транспорт корхоналари сони;
- жами корхоналар сони;
- хусусий сектордаги юк автомобиллари сони.

Ҳудудда транспортнинг ривожланиши ва ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тавсифловчи кўрсаткичларнинг ўзаро таъсирини баҳолаш учун маълум бир омилнинг таъсир даражасини ва улар ўртасидаги муносабатлар йўналишини аниқлаш имконини берувчи корреляция усулидан фойдаланамиз.

Корреляция коэффиценти қуйидаги формула асосида ҳисобланди:

$$R_{pk_i} = \frac{\sum_{i=1}^n (k_i - \hat{k}) \cdot (p_i - \hat{p})}{\sqrt{\sum_{i=1}^n (k_i - \hat{k})^2 * \sum_{i=1}^n (p_i - \hat{p})^2}}$$

бу эрда k_i – № 1-кўрсаткичнинг ҳақиқий қиймати;

$k^{\wedge}$ – № 1- кўрсаткичнинг кутилаётган (ўртача) қиймати;

p_i – № 2-сонли кўрсаткичнинг ҳақиқий қиймати;

$p^{\wedge}$ – № 2-сонли кўрсаткичнинг кутилаётган (ўртача) қиймати;

n – кузатишлар сони

Регрессия модели чизикли кўп регрессия тенгламаси шаклида тузилди:

$$y = a + \sum_{i=1}^n b_n x_n$$

бу ерда: a – Y -кесишиш коэффициенти;

b_n – прогноз қилинган индикаторнинг коэффициенти;

x_n – прогноз кўрсаткичи.

Натижалар

Йўловчи ташиш ҳажмига таъсир қилувчи омиллар учун корреляция коэффициентлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Йўловчи ташиш ҳажмига таъсир қилувчи омиллар учун корреляция коэффициентлари

Кўрсаткичлар	Корреляция коэффициентининг кўрсаткичи
иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони;	0,8445
янги қурилган турар-жой бинолари сони;	0,9090
вилоятдаги жами аҳоли сони;	0,9645
вилоятдаги даромади паст аҳоли сони;	-0,8242
вилоят бўйича жон бошига ўртача даромад;	0,9942
аҳоли зичлиги;	0,9579
йўловчи ташиш фаолиятидаги транспорт воситалари сони;	0,9165
шахсий автомобиллар сони.	0,9748

Юк ташиш ҳажмига таъсир қилувчи омиллар учун корреляция коэффициентлари 2-жадвалда келтирилган.

Юк ташиш омиллари учун корреляция коэффициентлари

Кўрсаткичлар	Корреляция коэффициентининг кўрсаткичи
вилоят бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ);	-0,9780
қурилиш ишлари ҳажми;	-0,9829
ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар ҳажми;	-0,9897
қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари;	-0,9899
транспорт корхоналари сони;	-0,9571
жами корхоналар сони;	-0,8815
хусусий сектордаги юк автомобиллари сони.	-0,9331

Регрессия таҳлили натижалари асосида йўловчи ташиш модели учун тенглама қуйидагича:

$$y = -128369,345 + 60,741x_1 + 1104,101x_2 + 0,786x_3$$

бу ерда: x_1 – аҳоли сони,

x_2 – даромади паст аҳоли,

x_3 – жон бошига даромад.

Юк ташиш модели учун тенглама:

$$y = -1643,3 + 0,249x_1 + 0,736x_2$$

бу ерда: x_1 – корхоналар сони,

x_2 – саноат маҳсулоти.

Тадқиқот натижалари транспорт фаолиятининг минтакавий ривожланишга муҳим таъсир кўрсатади. Йўловчи ташишда аҳоли сони ва жон бошига даромад юқори корреляцияга эга (0.9942 ва 0.9645), юк ташишда эса ЯҲМ ва қурилиш ишлари муҳим омиллардир (-0.9780 ва -0.9829).

Натижаларга асосланган ҳолда вилоятнинг транспорт салоҳиятини ривожлантириш учун ҳудуднинг транспорт инфратузилмасига инвестицияларни кўпайтириш, аҳоли зичлиги паст ҳудудларда субсидиялар жорий қилиш ва ҳудудда логистика марказларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса

Тадқиқот транспорт фаолияти ва ҳудудий ривожланиш ўртасидаги кучли ўзаро боғлиқликни кўрсатди. Ишлаб чиқилган иқтисодий-математик модел

транспорт ривожланишини прогноз қилиш ва бошқарув қарорларини қабул қилишда қўлланиши мумкин. Шунингдек келгусида экологик ва инновацион жиҳатларни ҳам ўрганиш орқали мазкур омиллар таъсирини баҳолаган ҳолда янада самарали натижаларга эришиш имконияти пайдо бўлади.

1. Л.Ю. Криклевская. Моделирование взаимовлияния развития транспорта и социально-экономического развития Забайкальского края [Электронный ресурс] Экономика. 2018г
2. Атаджанова З.С., Муродов А.С. Транспорт хизматлари сифати самарадорлик омили сифатида EURASIAN JOURNAL OF LAW, FINANCE AND APPLIED SCIENCES Innovative Academy Research Support Center.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.6478281>
3. xorazmstat.uz